

**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД  
ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРГА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

*Иканова Лазокат*

*“Тилларни ўрганиш” кафедраси катта ўқитувчиси  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
[lazokat.ikanova@icloud.com](mailto:lazokat.ikanova@icloud.com)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга хорижий тилларни ўргатишнинг ҳуқуқий асослари илмий таҳлил қиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси, Жиноят Кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида судланган шахсларга хорижий тилларни ўқитиш билан боғлиқ нормаларни илмий ўрганишга эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** судланган шахслар, жазони ижро этиш муассасалари, тўғарақлар, масофавий таълим, тарбиялаш тизими, хорижий тиллар.

**Аннотация:** В данной статье представлен научный анализ правовых основ обучения иностранным языкам лиц, освобожденных из исправительных учреждений. В частности, изучены нормы Уголовно-исправительного кодекса, Уголовного кодекса Республики Узбекистан и постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан связанных с обучением осужденных иностранным языкам.

**Ключевые слова:** осужденные, исправительные учреждения, кружки, дистанционное обучение, система образования, иностранные языки.

**Abstract:** This article presents a scientific analysis of the legal basis for teaching foreign languages to persons released from correctional institutions. In particular, the norms of the Criminal Correctional Code, the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and the resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan related to teaching foreign languages to convicts were studied.

**Key words:** convicts, correctional institutions, clubs, distance learning, education system, foreign languages.

Мустақил ҳаётини яшашга эга бўлган шахс ҳаётини муаммони ҳал қилишга танқидий ёндашиши, онгли танлов қилиши ва ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлиши мумкинлигини англаб етиши лозим. Айнан шу фазилатларни шакллантириш судланган шахсларни тарбиялашнинг устувор вазифасидир.

Шу боис, касб-ҳунар, меҳнатнинг янги индивидуал шакллари жорий этиш, маҳқумларни тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, уларни меҳнат

ва тарбиявий ишларга жалб этиш кўзда тутилган бўлиб жазони ижро этиш муассасаларида турли касб ҳунар тўғараклари ташкил қилинган.

Эътироф этиб ўтиш лозимки, судланганлар учун хорижий тилларини ўрганиш амалиёти мамлакатимизда жуда кам ёки умуман йўқ бўлиб, бу борада тўғараклар фаолияти ҳам деярли йўлга қўйилмаган. Бироқ, судланганлар орасида чет тилини ўрганишга бўлган талаб мавжуд деб айтсак хато қилмаган бўламиз.

Судланганларнинг чет тилини ўрганишга бўлган катта қизиқишини янада билимли бўлиш ва олинган билимларни чекланмаган (озод) жамиятда қўллаш истаги билан изоҳлаш мумкин.

Рус олими Т.А. Казакова судланган шахсларга хорижий тилларни ўргатишнинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди[1], судланганлар тоифасидаги шахслар томонидан чет тилларини ўрганиш келажакда ўз ҳуқуқларини муваффақиятли амалга ошириш ва ўз мамлакатининг фойдали фуқароси бўлиш имкониятини беради, чунки жазони ижро этиш муассасаларида чет тилини ўргатиш жараёни маҳкумларнинг инсонпарварлик кадриятларини шакллантиришга, жинсий судловни амалга ошириш доирасида уларни тузатиш ва қайта тарбиялашга ҳисса қўшади ва ёрдам беради.

Мамлакатимизда ҳам судланган шахсларга таълим бериш, касб тайёргарлиги борасида, шу жумладан, хорижий тилларни ўқитишнинг қуйидаги ҳуқуқий асослари яратилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 5 сентябрдаги “Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 450-сон қарори 5-бандига кўра[2]:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга масофавий таълим шаклида хорижий тилларни ўргатиш бўйича таклиф киритиш вазифаси қўйилган.

Хусусан, ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган фуқароларни тadbиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномага асосан бепул амалга оширилишига эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган “Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси»”да:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга масофавий таълим шаклида хорижий тилларни ўргатиш. Бу борада асосий эътибор биринчи навбатда, профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга масофавий таълим шаклида хорижий тиллар ўқув курсларига юбориш. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олий таълим муассасаларида масофавий таълим шаклида хорижий тилларни ўргатишни ташкил этишга қаратилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш лозимки, мазкур норманинг амалиётга татбиқ этилиши жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган фуқароларни замонавий касб-ҳунарларни эгаллашига, меҳнат бозоридаги рақобат муҳитига мослашишига ва бу орқали бандлиги таъминланишига имкон бериб, улар томонидан қайта жиноятлар содир этилиши олди олинишига сабаб бўлади.

## 2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига кўра[3]:

7-модда. Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари.

“Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради.

Кўришиб турибдики, юқоридаги моддада таълим ва касб тайёргарлиги маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига киритилган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш маҳкумни ахлоқан тузатишга ёрдам беради.

Шунингдек, 97-модда. Маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб бориш.

“Тарбиявий ишлар босқичма-босқич равишда қуйидагича амалга оширилади:

...

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимни ташкил этиш, ўқишни тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда уларни кейинчалик ишга жойлаштириш”.

Юқоридаги моддада судланган, хусусан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг замонавий касблар ва мутахассисликларга доир касбий ўқишини ташкил этиш, таълимни тамомлаганидан кейин уларга тегишли ҳужжат бериш билан боғлиқ масалалар тартибга солинган бўлиб, бу билан судланган шахсларни замонавий касб ва мутахассисликлар билан боғлиқ компетенцияни эгаллашга эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, 97<sup>1</sup>-модда. Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини аниқлаш мезонлари

“Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги ушбу Кодекснинг 102<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан ҳар чорак якунларига кўра қуйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

маҳкумнинг меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларини бажариши, онгли равишда мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланганлиги, ўқишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиши;”

Мазкур моддадан англанадики, судланган, хусусан, жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги унинг ўқишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқиши мезони билан ҳам белгиланади.

Бундан ташқари, 100-модда. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълими.

“Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳкумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олишлари мумкин”.

Ушбу моддада манзил-колониялардаги маҳкумлар ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таълим олиш ҳуқуқи мавжудлиги билан боғлиқ нормалар баён қилинган бўлиб, бу билан мазкур тоифадаги маҳкумларга хорижий тилларни эгаллашига ҳам имкон яратилган.

101-модда. Маҳкумларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги.

“Жазони ижро этиш муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълими берилади ва (ёки) маҳкумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади.

Маҳкумларга ўрта махсус, касб-хунар таълими бериш ва уларни касбга ўргатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади”.

Кўриниб турибдики, маҳкумларга ўрта махсус, касб-хунар таълими берилиши қонунчиликда мустаҳкамланган. Мазкур таълим доирасида маҳкумларга хорижий тилларни ўргатилиши уларни озодликка чиққанидан сўнг бандлигини таъминлашига ёрдам беради.

Шунингдек, 115-модда. Манзил-колонияларда маҳкумлар меҳнати ва таълими.

“Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишга рухсат этилади”.

Ушбу нормада маҳкумларга ўзи сақланаётган муассаса жойлашган ҳудуддаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

**3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига асосан[4]:**

48<sup>1</sup>-модда. Озодликни чеклаш

“...

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин”.

Бундан кўриниб турибдики, суд томонидан судланган шахс, яъни озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўқишга жойлашиш мажбуриятини юклаши мумкин. Бу билан ўқишга жойлашиш мажбурияти орқали судланган шахс тузалиш йўлига ўтишига мақсад қилинган.

70-модда. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш.

“Жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлиликни йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин”.

Мазкур моддага кўра, кишининг намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотишига, бунинг натижасида уни жазодан озод қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга хорижий тилларни ўрганиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтишимиз лозимки, бугунги кунда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун талабгорлардан хорижий тилдан имтиҳон олиниши ёки тил билиш даражасини кўрсатувчи сертификатлар талаб қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида хорижий тилни (жумладан инглиз тилини) таълимда аҳамияти катта экинлигини далолат беради.

Зеро, расмий манбаларга кўра, 2024 йилнинг 5 ойида жиноят содир этган шахсларнинг 717 нафарини вояга етмаганлар, 5698 нафарини ёшлар ташкил этган[5].

Ушбу тоифадаги судланган шахсларга хорижий тилларни ўқитиш орқали замонавий касб-ҳунарларни эгаллашига, меҳнат бозоридаги рақобат муҳитига мослашиши, улар томонидан қайта жиноятлар содир этилишини олдини олишга ёрдам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Казакова Т.А. Изучение иностранного языка осужденными в рамках кружковой работы в исправительных учреждениях ФСИН России // Ведомости уголовно-исполнительной системы, 2022, №7. – С.67.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 5 сентябрдаги “Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларини

қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига қўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 450-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6595344>

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. <https://lex.uz/acts/163629>
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий маълумотлари асосида.
6. Иканова, Л. (2024). ПРИОРИТЕТ ОРГАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ ОСУЖДЕННЫХ.
7. Ikanova, L. S. (2024). JAZONI IJRO ETUVCHI MUASSASSALARDA, TA'LIMNI TASHKIL QILISH TAJRIBALARI (AQSH MISOLIDA): Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari, 7(3), 26-31.
8. Lazokat, I. (2024). SOBIQ SUDLANGAN SHAHSLARGA INGLIZ TILINI O'QITISH: JAHON TAJRIBALARI. World Scientific Research Journal, 32(1), 214-216.
9. Lazokat, I. (2024). SUDLANGANLARNI CHET TILIGA O 'QITISH BO 'YICHA XORIJ TAJRIBASI (GERMANIYA VA AQSH MISOLIDA). ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 54(2), 65-69.
10. Ikanova, L. S. (2024). JAZONI IJRO ETUVCHI MUASSASSALARDA, TA'LIMNI TASHKIL QILISH TAJRIBALARI (AQSH MISOLIDA): Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari. Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari, 7(3), 26-31.
11. Ikanova, L. S. (2019). The impact of materials development, critical pedagogy and lgbt's issue on the language planning and policy. Вестник педагогики: наука и практика, (48), 68-70.
12. Ikanova, L. (2019). Learners' digital literacy of students in language classrooms. Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions, 98-99.
13. Ikanova, L. (2020). ANALYSIS OF TWO TASKS FROM THE POINT OF PRAGMATICS. Modern trends in linguistics: problem and solutions, 25-26.
14. qizi Ikanova, L. S. (2020). IMPROVING LISTENING SKILLS THROUGH ICT. Bulletin of Namangan State University: Vol, 2(11), 64.
15. Ikanova, L. (2019). THE IMPACT OF THE MATERIALS DEVELOPMENT TO THE IMPLEMENTATION OF THE LANGUAGE PLANNING AND POLICY. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training, 7-13.

16. Khasanova, D., Ulmasbaeva, M., & Ikanova, L. (2019). IT IS TIME TO CHANGE THE SUBJECT MATTER OF ENGLISH AT VOCATIONAL COLLEGE. *EPRAIInternational Journal of Multidisciplinary Research*, 48-52.
17. Lazokat, I. (2022). Enhancing listening skills with the help of digital tools. *Thematics journal of English language teaching*, 6(1).
18. Ikanova, L. S. Q. (2024). SUDLANGAN SHAXSLAR VA MAHKUMLARNING XULQ ATVORI VA QAYTA JINOYAT SODIR ETISHINI BARTARAF QILISHDA TA'LIMNING TA'SIRI (AQSH TAJRIBASI MISOLIDA). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(1), 433-439.
19. Khayrullaevna, S. M., Sadikovna, M. F., Setiaevna, R. I., & Akmalovna, F. R. (2020). Efficacy of using distance learning in teaching process. *European Journal of Molecular and Clinical Medicine*, 7(2), 797-801.
20. Murakayeva, S. K. (2023). The Author's Interactive Methods for the Military Lawyers: "Digital Case Study" Video Lessons, "Digital Storytelling and Startup Lessons", "The New Creative Matrix Workshop" and Procedural Lessons With "Legal Discussions". *Journal of Higher Education Theory and Practice*, 23(4).
21. Murakayeva, S. K. (2023, February). INNOVATIONS THAT HAVE CHANGED ENGLISH LANGUAGE TEACHING AND INTERACTIVE SPEAKING SKILLS BY SHAKHNOZA MURAKAYEVA. In *International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 3, No. 1.2)*.
22. Murakayev, I. I., & Murakayeva, S. K. (2022, November). CREATING OF THE NEW TECHNICAL EDUCATION SYSTEM IN MILITARY ORGANIZATIONS: COMPUTER-AIDED LEARNING AS VIRTUAL TARGET SHOOTING AND TACTICS TRAININGS, VIRTUAL HAND-TOHAND COMBAT AND DIGITAL ACCELERATED MOVEMENT. In *International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 2, No. 7)*.
23. Murakayeva, S. X. (2022). INTERACTIVE DEVELOPING OF ORAL SPEECH COMPETENCE IN TEACHING ENGLISH FOR THE MILITARY LAWYERS THROUGH AUTHOR'S INNOVATIVE "DIGITAL CASE STUDY" VIDEO LESSONS. *Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka*, 2(6).
24. Abdukarimovich, M. T. (2022). The role of repetition as a stylistic tool in political texts. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 13, 64-65.
25. Туйчибаева, Ш. (2020). Проблемы изучения русского языка как иностранного и пути их решения. *Востоковедения*, 2(2), 120-127.
26. Туйчибаева, Ш. Ш. (2023, February). ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ СЛОЖНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ НА

ЗАНЯТИЯХ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 1, pp. 476-487).

27. Туйчибаева, Ш. Ш. (2022). Development of hearing-performance skills while teaching Russian language. Издатель «Моя профессиональная карьера, 5(24), 965-976.
28. Туйчибаева, Ш. Ш. (2023). Из опыта обучения русскому языку иностранных слушателей. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(21), 208-212.
29. Туйчибаева, Ш. (2024). К ВОПРОСУ ОПТИМИЗАЦИИ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 45(3), 144-148.
30. Darvishova, G. K. (2023). SHARLOTTA BRONTE IJODIDA AYOLNING IJTIMOIIY MAVQEI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 57-67.
31. Kenjabayevna, D. G. (2023). A CREATIVE POWER OF CHARLOTTE BRONTE IN THE VICTORIAN ERA. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 35(8), 117-120.
32. Kenjabayevna, D. G. (2023). THE CONSTITUTION IS MY PRIDE. *TADQIQOTLAR*, 28(4), 89-91.
33. Kenjabayevna, D. G. (2023). DESCRIPTION OF FEMALE CHARACTERS IN CHARLOTTE BRONTE'S LITERARY STYLE. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 10(4), 126-129.
34. Iskandarovna, K. G., & Kenjabayevna, D. G. (2020). The means of image" woman" in the literary world of charlotte bronte. *Journal of Critical Reviews*, 7(12), 136-139.